

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«30 » август 2018 у.

№ 703

Toshkent sh.

**2018 йил ҳосили пахта хом ашёсини йиғиб-териб олиш ишларини  
уюшқоқлик билан ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хом ашёси ва бошоқлидун етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3574-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, етиштирилган пахта хом ашёсини йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ташкил этиш, пахта йигим-теримида иштирок этадиган теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш ҳамда пахта етиштирувчи хўжаликларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2018 йил ҳосили учун етиштирилган пахта хом ашёсини териб олишда:

пахта хом ашёсининг машинада терилган 1 тоннаси учун 400 000 сўм хизмат ҳақи тўлаш;

пахта хом ашёсининг қўлда терилган бир килограмми учун биринчи босқичда контрактация шартномаси мажбурияти 60 фоизгacha бажарилгунга қадар 650 сўм, иккинчи босқичда – 60 фоиздан 80 фоизгacha – 850 сўм, учинчи босқичда – 80 фоиздан ортганда – 1000 сўм меҳнат ҳақи тўлаш;

Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида, Қашқадарё вилоятининг Косон, Муборак, Нишон, Касби туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ ва Музработ туманларида (пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолият юритаётган худудлардан ташқари) теримчиларни пахта йигим-теримига қўшимча равишда жалб этиш максадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) хисобидан қўлда терилган бир килограмм пахта хом ашёси учун теримчига қўшимча 150 сўм устама ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари учун 150 сўм, жами 300 сўм микдорида нақд пулда кунлик устама тўлаш;

пахта йифим-терими мавсумида терим отряди раҳбарларига истисно тариқасида фуқаролик-хукуқий шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат ҳақи тўлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

**2. Белгилансинки:**

отряд раҳбарлари терилган пахта хом ашёси миқдоридан келиб чиқсан ҳолда меҳнат ҳақини ошириб бориш асосида рағбатлантирилади;

пахта йифим-теримида иш кучи етишмовчилиги мавжуд бўлганда, туманлар ҳокимлари ҳамда туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларининг буюртмаларига асосан туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан қўшимча теримчилар ихтиёрий равишда жалб этилади.

**3. Мазкур қарорга иловада назарда тутилган туманларда етиштирилган пахта хом ашёси фермер хўжаликларининг ўз имкониятлари билан (хашарчиларсиз) териб олиниши маълумот учун қабул қилинсин.**

Белгилансинки, мазкур қарорга иловада назарда тутилган туманларда:

туманлар ҳокимлари пахта хом ашёсининг пишиб етилишидан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари ҳамда туманлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишган ҳолда қўлда терилган пахта хом ашёси учун меҳнат ҳақи миқдорини, шу жумладан табақалаштирилишини мустақил белгилайди;

теримчиларни қўшимча рағбатлантириш мақсадида Жамғарма ҳисобидан (пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолият юритаётган худудлардан ташқари) қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хом ашёси учун қўшимча 100 сўм устами сифатида тўланади;

маҳаллий бюджетлар захира жамғармалари терилган пахта хом ашёсининг ҳар тоннасига 10 000 сўмдан республика бюджетидан кўпайтириб берилади ва ушбу маблағлар туман ҳокими томонидан теримни юқори савияда ташкил сарфланади. Бунда, ушбу маблағларнинг сарфланишига истисно тариқасида давлат харидлари тартиблари татбиқ этилмайди.

**4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:**

давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномаларида белгиланган миқдордан ортиқча топширилган пахта хом ашёси харид нархларига 15 фоиз миқдорида устами тўланади;

2018 йил ҳосилидан бошлиб пахта йифим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган жисмоний шахслар томонидан ушбу ишларни бажарганлик учун олинадиган даромадлариға фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобланмайди.

**5. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотларига пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, етиштирилган пахта хом ашёсини ўз вақтида териб олишни таъминлаш мақсадида пахта толасининг жаҳон бозоридаги конъюнктурасидан келиб чиқиб, ўзларига бириктирилган худудда пахта хом ашёсини қўлда терив олиш учун меҳнат ҳақини мазкур қарорда белгиланган нархлардан кам бўлмаган ҳолда эркин белгилаш ва кафолатланган харид нархларига устами тўлаш тавсия этилсин.**

6. “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотлари:

пахта йигим-теримини механизациялаш даражасини ошириш, пахта териш машиналаридан кенг кўламда фойдаланишни рағбатлантириш, пахта етиштирувчи хўжаликларнинг манфаатдорлигини ошириш учун қўлда ва машинада терилган пахта хом ашёсининг навлари ва синфлари бўйича давлат томонидан кафолатланган нархларда харид килинишини;

маҳсулот етиштирувчилар томонидан топширилган пахта хом ашёсини қабул қилиб олишда ахборот-коммуникация технологияларидан ва электрон тарозилардан фойдаланган ҳолда пахта қабул қилиш жараёнининг шаффоғлигини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуюи ва озиқ-овқат хафсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясига Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргалиқда “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти тизимидағи пахта тозалаш ташкилотлари ҳамда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотлари томонидан пахта хом ашёсини қабул қилиш масканларидаги лабораторияларда пахта хом ашёсини қабул қилишда соғ (физик) вазн билан кондицион вазн ўргасидаги фарқларнинг ҳаққонийлиги ва чегирмаларнинг адолатли қўлланилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиш тавсия қилинсин.

8. Жамғарма, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларидан пахта хом ашёси учун теримчиларга меҳнат ҳақини ушбу қарорда белгиланган тариф ставкаларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар беш кунда, зарурат бўлганда ҳар куни тўлашни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3574-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, 2018 йил пахта ҳосилини қисқа муддатда йиғиб-териб олишни, теримчилар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига 2019 йилда қайтариш шарти билан фоизсиз ссуда ажратсан.

10. Жамғарма, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотлари етказиб берилган пахта хом ашёси учун фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан жорий йилнинг 31 декабрига қадар тўлиқ ҳисоб-китоб қилинишини таъминласин.

11. Пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китобларнинг тўғри ва ўз вақтида амалга оширилишига ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишига “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва “Агробанк” АТБ раҳбарлари шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлеклари уч кун муддатда 2018 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қиласдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил этиш, мавсумда қатнашаётган теримчиларга меҳнат ҳақи тўлаш ҳамда иш кучи етишмовчилиги мавжуд туманларга қўшимча теримчиларни жалб қилиш ва уларга кафолатланган ҳақ тўлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни тасдиқласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosарлари Ж.А.Кўчкоров, З.Т.Мирзаев, А.А.Абдуҳакимов, Н.С.Отажонов, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи А.А.Хайтов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Баш вазири



А. Арипов



Вазирлар Махкамасининг 2018 йил  
"30" августдаги №- 703 -сон қарорига  
илова

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2018 йил пахта ҳосилини ёрдамчи  
кучларисиз (хашарчиларсиз) териб оладиган туманлар  
пўйхати

| №  | Худудлар номи                | Туманлар номи | Пахта майдони, гектар | Ялпи ҳосил, тонна |
|----|------------------------------|---------------|-----------------------|-------------------|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё       | 15550                 | 32524             |
|    |                              | Беруний       | 10575                 | 23165             |
|    |                              | Қўнғирот      | 3487                  | 7009              |
| 2. | Андижон                      | Булоқбоши     | 3049                  | 9225              |
|    |                              | Пахтаобод     | 6591                  | 19333             |
|    |                              | Олтинқўл      | 5435                  | 17939             |
|    |                              | Шаҳриҳон      | 7342                  | 23260             |
|    |                              | Хўжаобод      | 2003                  | 5508              |
|    |                              | Марҳамат      | 5092                  | 15581             |
|    |                              | Избоскан      | 7988                  | 25804             |
| 3. | Бухоро                       | Олот          | 8075                  | 24633             |
|    |                              | Қоракўл       | 9235                  | 27928             |
|    |                              | Шоғиркон      | 9275                  | 29778             |
|    |                              | Ғиждувон      | 10370                 | 34700             |
|    |                              | Вобкент       | 10075                 | 33958             |
| 4. | Қашқадарё                    | Қамаши        | 8500                  | 16000             |
|    |                              | Шаҳрисабз     | 5200                  | 14550             |
|    |                              | Чироқчи       | 8600                  | 23000             |
|    |                              | Яккабог       | 7200                  | 19800             |
| 5. | Наманган                     | Косонсой      | 3955                  | 10237             |
|    |                              | Тўрақўргон    | 4869                  | 16120             |
|    |                              | Чуст          | 4004                  | 10253             |
|    |                              | Наманган      | 6050                  | 19838             |
|    |                              | Чорток        | 1067                  | 3413              |
|    |                              | Уйчи          | 6269                  | 20862             |
|    |                              | Норин         | 6338                  | 21182             |
| 6. | Самарқанд                    | Иштиҳон       | 8595                  | 23943             |
|    |                              | Пахтачи       | 8320                  | 23923             |
| 7. | Сурхондарё                   | Денов         | 10538                 | 35200             |
|    |                              | Қумқўргон     | 8742                  | 25890             |
|    |                              | Сариосиё      | 2650                  | 8850              |
| 8. | Фарғона                      | Бувайда       | 5280                  | 15320             |
| 9. | Хоразм                       | Хива          | 5968                  | 17340             |
|    |                              | Янгиариқ      | 5058                  | 14570             |
|    | Жами                         | 34            | 231345                | 670636            |